ҚҲММБ: 07/17/3390/0265-сон
17.11.2017 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил „16“ ноябрь № ПҚ-3390 „___“ _________ 20 г.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таркибида “Таэквондо ва спорт фаолияти” факультетини ташкил этиш тўғрисида**

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакиллари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда турли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришиб келмоқдалар. Жумладан, республикамизда таэквондо WTF спорт тури жадал равишда ривожланиб, ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари доирасида янада оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Мустақиллик йилларида мазкур спорт тури бўйича спортчиларимиз нуфузли халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 44 та олтин, 64 та кумуш ва 71 та бронза медалларини қўлга киритган ҳолда дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳиятини янада оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида таэквондо WTF спорт турини янада ривожлантириш, юқори маҳоратли спортчилар ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциациясининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таркибида “Таэквондо ва спорт фаолияти” факультетини (кейинги ўринларда факультет деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар факультетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таэквондо WTF спорт турини ўқитиш ва амалий тайёрлаш услубларини ҳамда унинг тарихи, фалсафаси, классификациясини ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

халқаро илғор тажрибадан фойдаланиб, юқори даражага эга бўлган хорижий ва мамлакатимизнинг малакали амалиётчи мутахассислари ва тренерларини таълим жараёнига жалб этган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

юқори малакали тренер ва ўқитувчиларни тайёрлаш, иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, халқаро спорт мусобақаларида муносиб қатнашадиган профессионал спортчилар тайёрлаш учун уларнинг кўникма ва билимларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш дастурлари ва методларини ишлаб чиқиш;

таълим олувчиларда индивидуал қобилиятлари ва истеъдодларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спортга оид кўникмаларни шакллантириш;

юқори интеллектуал салоҳиятга ва спорт соҳасида пухта билимларга эга мутахассисларни тайёрлаш;

республика ва халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришадиган ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибида иштирок этадиган иқтидорли спортчиларни тайёрлаш;

ўқитиш ва тайёрлашнинг барча даражаларида инновацион методикаларни жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид долзарб мавзулар бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мавжуд ўқув-методик, моддий-техник базани ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, таълим жараёнига спортчилар тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий техник воситаларини, педагогик технологияларни жорий этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таэквондо WTF ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналишлари бўйича қабул квоталарини шакллантирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда факультетни малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ихтисослик фанлари бўйича ўқув-методик адабиётлар яратиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиялаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциациясининг факультет учун ажратиладиган спорт иншоотларини таъмирлаш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун зарур бўладиган маблағларни ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

ҚҲММБ: 07/17/3390/0265-сон
17.11.2017 й.



6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 11 майдаги ПҚ–2527-сон қарорига 1-илованинг матни иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Д. Курбанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш.Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING DEVONI
UMUMIY BO‘LIM №1

Тошкент шаҳри

ҚҲММБ: 07/17/3390/0265-сон
17.11.2017 й.

PREZIDENTINING DEVONI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING DEVONI
UMUMIY BO'LIM №1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “16” ноябрдаги
ПҚ-3390 -сон қарорига
ИЛОВА

# “Ўзбекистон Миллий университетининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ*




*\) *Университет (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.*
**\) *Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан (тўлов-контрактлар ҳисобидан ташқари)* ”